

Аллоҳ таолонинг валий бандаларидан бўлишимизга сабаб бўлувчи 10 та амал



09:30 / 22.01.2021 3364

(иккинчи мақола)

Иккинчи амал

Фарз ибодатларни адо этиш билан бирга Аллоҳ таолога нафл ибодатлар қилиб, У Зотга қурбат ҳосил қилиш. Чунки нафл ибодатлар муҳаббат даражасидан кейинги маҳбублик даражасига етишга сабаб бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ таоло айтади: Ким Менинг бир дўстимга (валий бандамга) душманлик қилса, Мен унга уруш очаман! Бандам, Менга севимли, унга фарз қилганим**

амаллардан бошқа амал билан Менга яқинлаша олмайди. Бандам нафл амаллар билан ҳам Менга яқинлашишда давом этса, Мен уни яхши кўриб қоламан. Уни яхши кўргач эса, эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, тутадиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан. Мендан бирор нарса сўраса, тилагини бераман, Мендан паноҳ сўраса, уни паноҳимга оламан. Ҳеч бир ишда мўмин бандамнинг жонини олишдагидек тараддуд қилган эмасман. У ўлимни ёқтирмайди. Мен эса унга ёмонлик қилишни истамайман» дедилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади